# ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ УЧУН

## *РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРДИЛАР*

## МИЛЛИОНЛАР ЖИПСЛИГИ

### *Қ Қ А С С Р*

Автоном республикада ўтган йили 435370 тонна пахта, кўплаб шоли, гўшт, сут, қоракўл тери, пилла, сабзавот, мева, узум, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланди.

Мана бугун Қорақалпоғистон диёрида ҳам катта тантана. Эрта тонгдан шаҳар ва қишлоқларнинг кўчалари гавжум бўлиб кетди. Меҳнат аҳли яхши кайфият билан коммунистлар ва партиясизлар блоки номзодлари учун овоз беришга ошиқмоқда.

Нукус районидаги шоликор «Россия» совхозида жойлашган 168/57-сайлов участкасидамиз. Байрам концерти янграмоқда. Совхоз шоликорлари, механизаторлари якдиллик билан овоз бермоқдалар. Автоном республиканинг ҳамма жойида бўлгани каби бу совхозда ҳам сайловдан сайловгача катта ўзгаришлар бўлди. Совхоз экономикаси мустаҳкамланди, уй-жой қурилиши, ободончилик ишлари авж олдирилди.

— Ҳозиргидек фаровонлик, мўл-кўлчилик даврини сира эслай олмайман, — деди 82 ёшли Шарипа Давлатова. — Илгари қишлоқда дурустроқ уй-жой ҳам йўқ эди. Мана ҳозир қишлоқларимиз обод, ҳамма коммунал қулайликлар яратилган замонавий кўп қаватли уйларда яшаяпмиз. Бунинг учун партиямиз ва ҳукуматимизга раҳмат деймиз.

Қорақалпоғистонлик пахтакорлар, шоликорлар, чорвадорлар, Жанубий Орол балиқчилари, Тахиатош энергетиклари коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун якдиллик билан овоз бердилар. Ҳамма сайлов участкаларида сайловчилар активлиги сезилиб турди.

### *А н д и ж о н*

Биз сайлов тонгида Андижон машинасозлик заводининг муҳташам клубида жойлашган 31/74 сайлов участкасига бордик. Клуб олдига одам сиғмайди. Музика садолари одамларга яхши кайфият улашгандек туюлади. Завод коллективи сайловга катта меҳнат ютуқлари билан келди. Ишчилар ўтган йилни муваффақиятли якунладилар. Бир йилда 26 миллион 780 минг сўм ўрнига 27 миллион 273 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Планга қўшимча 171 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди. 5387 минг сўмлик соф фойда олинди.

Сайлов қутиси ёнига биринчи бўлиб илғор бригада бошлиғи Я. А. Басс кирди. У бошлиқ бригада коллективи 1982 йилда 7773 ўрнига 8745 деталь тайёрлаб, меҳнат унумдорлигини ошириб, планни 112,5 процент бажарган эди. Ишчан коллектив ўтган йили заводда биринчи бўлиб бригада усулини жорий қилди. Бир йилда планга қўшимча 1190 деталь ишлаб чиқарди.

Андижон областининг ҳамма жойида, барча шаҳар ва қишлоқларда сайлов шодиёнаси зўр уюшқоқлик билан ўтди.

### *Б у х о р о*

Бухороликлар бу сафарги сайловни меҳнатда улкан муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Мана, биз Вобкент район Харгўш посёлкасидаги «Баҳор» кинотеатрининг муҳташам биносида жойлашган сайлов участкасидамиз. Участка сайлов комиссиясининг раиси Назокатхон Саидова сайловчиларни умумхалқ байрами билан муборакбод этиб, давлатимизнинг олий ҳокимият органи депутатлигига кўрсатилган муносиб номзодлар учун овоз беришга таклиф этди.

Донгдор сут соғувчи, район Советининг депутати Олия Фармонова сайлов бюллетенларини ола туриб бундай деди:

— Биз бугун мусобақадошимиз Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхознинг рекордчи пиллакори Жамила Бозорова билан бир қаторда меҳрибон ҳамқишлоғимиз, Ушинский номли ўрта мактабнинг ўқитувчиси, севимли муаллимамиз Шарофат опа Гадоева учун якдиллик билан овоз бермоқдамиз. Чунки, етук мутахассис кадрлар тайёрлашда, орзуларимизнинг рўёбга чиқишида, қишлоқларимизни ободонлаштиришда у кишининг хизматлари катта. Шарофатхон опамизнинг ҳаёт йўли, меҳнат фаолияти ҳаммамизга ўрнак бўларлидир.

Соат миллари 12.00 ни кўрсатмасданоқ участкаларда рўйхатга олинган сайловчиларнинг деярли ҳаммаси коммунистлар ва партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб бўлди...





Республикамиз пойтахти — Тошкентдаги сайлов участкаларида СССР Олий Советига сайлов зўр шодиёна билан ўтди. Суратларда: 1. Тошкент. Октябрь сайлов округининг 17/17 сайлов участкасида бир гуруҳ партия ветеранлари билан ёшлар овоз беришмоқда. 2. Тошкент халқ хўжалиги институти биносида жойлашган 91/49 сайлов участкасида ўз ҳаётида илк бор овоз бераётган студент ёшлар. В. Молгачев фотолари.

### *Ж и з з а х*

Жиззах. Бу тонг ҳар қачонгидан ҳам файзли-тароватли эди. Жданов сайлов участкаси олдидаги радио карнайдан қуйидаги сўзлар янгради: «Областимиз меҳнаткашлари СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Сайловолди меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Жиззах шаҳар пластмасса қуюв цехи коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан 1984 йилги биринчи квартал планини, Жиззах районидаги «Москва» колхози чорвадорлари давлатга гўшт топшириш ярим йиллик планини адо этдилар. Улар қаторида яна ўнлаб коллективлар, хўжаликларни санаш мумкин».

Соат 6.00. 41 мингга яқин сайловчи овоз берадиган 584-Жиззах сайлов округининг 16/192-сайлов участкасида митинг бошланди. Митингни участка сайлов комиссияси раиси, шаҳардаги Фурқат номли мактаб директори Ғ. Холматов очиб, биринчи сўзни Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани Тўйчи Тошбоевга берди:

— Фарзандларим, биродарлар, бизнинг давлатимиз демократик, энг халқчил давлатдир. Бугун биз ишонч билан овоз бераётган кишиларимиз ана шу давлатни бошқаришда иштирок этиб, фаровонликни янада оширишга муносиб ҳисса қўшадилар. Мен бугун СССР Олий Советига депутат қилиб сайланаётган 258-механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи Тиркаш Маматқуловни жуда ёшликдан биламан. У Жиззахдаги кўплаб биноларни барпо этишга ҳисса қўшган. Бугун биз унинг учун овоз берар эканмиз, Т. Маматқулов халқ фаровонлиги йўлида янада фидокорлик билан меҳнат қилишига ишонамиз. Шундан сўнг сўзга чиққан Жиззах давлат педагогика институтининг биринчи курс студенти М. Салимова шундай дейди:

— Сайлаш ҳуқуқимдан илк бор фойдаланаётганимдан бахтиёрман. Мен бугун шу нарсага амин бўлиб турибманки, киши қайси соҳада, қайси вазифани бажаришидан қатъи назар, ҳалол, фидокорлик билан меҳнат қилса, халқ бахти учун курашса, уни эл эъзозлайди.

Жданов сайлов участкасида халқнинг ишончли вакилларига овоз бериш ана шундай фаоллик билан ўтди. Соат 10.00 га бориб участкадаги 3700 сайловчининг 90 проценти овоз бериб бўлди. Соат 11 да эса участка сайловчилари шаҳарда биринчилардан бўлиб овоз беришни якунладилар.

### *Қ а ш қ а д а р ё*

Тонг отди. Бу навбаҳор тонги. Қўриқ Ульянов райони қишлоқларининг кўчалари субҳидамданоқ одамлар билан тавжумлашди. Чеҳраларида табассум кекса-ёш сайлов участкалари томон шошилмоқда. Бепоён Қарши даштига ҳужум ана шу доҳий номидаги райондан бошланди. Кимсасиз даштликдан иборат ерлар инсон мардонавор меҳнати, техника қудрати, турли миллат вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб жасорат кўрсатганликлари туфайли боғу бўстонга айланди. Эндиликда кўркам посёлка ва қишлоқлар чўл жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.

Мана биз шу районнинг ўтган сайловдан кейин ташкил қилинган янги 132/226 Қорахўжа сайлов участкасидамиз. Ҳамид Олимжон номли мактаб биноси бугун байрам либосида. Одамлар хушчақчақ. Улар орасида қалби меҳнат иштиёқи билан тўлиб-тошган бободеҳқонлар, чўлқувар пахтакорлар, саломатлик

## МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

посбонлари, қурувчилар, зиёлилар бор. Бу — райондаги янги ташкил қилинган учта сайлов участкасининг бири. Шу участкада ишлаётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Партия XX съезди» совхозининг 6-участка ишчилари пахта етиштиришда ҳар йили янги-янги зафарларга эришмоқда. Чўлқуварлар ўтган йили она-Ватанга 1200 тонна янги нав ипак пахта етказиб бердилар. Бу йил улар 1,5 минг тонна ана шундай навли пахта етиштириш учун кўкламги ишларни авж олдиряптилар.

Шу куни Қашқадарё областининг мавжуд 5 округидаги 465 сайлов участкасида ҳам СССР Олий Советига сайлов зўр шодиёналик ва бирдамлик руҳида ўтди. Сайловчилар барча коммунистлар ва партиясизлар мустаҳкам блокининг муносиб номзодлари учун якдиллик билан овоз бердилар. Сайлов совет демократияси тантанасини яна бир карра намойиш қилди.

### *Н а в о и й*

Кармана шаҳридаги 103/103 сайлов участкаси Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли мактаб биносига жойлашган. Сайлов участкаси эрта тонгдан одамлар билан гавжум. Улар халқнинг ишончига, обрў-эътиборига сазовор бўлган, СССР Олий Совети депутатлигига номзодларга овоз бериш учун участкага ташриф буюришяпти. Чеҳраларда, нигоҳларда байрамона руҳ, завқ.

Кўксини «КПСС сафида 50 йил» нишони безаб турган Рўзи Тўхтаев, меҳнат ветеранлари Жўрақул Эшмуродов, Ғаффор Бозоровлар сайлов участкасига биринчилардан бўлиб келишди.

Давраларда ўтмиш ва бугун ҳақида суҳбатлар қизийди.

— Мен СССР Олий Советига ўтказилган барча сайловларда иштирок этганман, — деди Рўзи ота. — Ўтган давр мобайнида ҳаётимиз нақадар ўзгариб кетди. Мисол учун Кармана шаҳрини олайлик. Илгарилари бу пастак, кўримсиз уйлар, тор ва ифлос кўчалардан иборат қишлоқча бўлган бўлса, эндиликда кўркам шаҳарчага айланди. Одамларимизнинг яшаш тарзи ҳам ғоят кўркамлашиб, фаровонлашиб кетди. Бу партиямиз раҳнамолиги, депутатларимизнинг жўшқин меҳнати ва ижтимоий фаолиятининг белгисидир.

— Тўғри айтасиз, ота, — дейди халқ депутатлари Навоий район Совети ижроия комитетининг раиси Мурожон Самандаров. — Кейинги тўрт йилнинг ўзида Карманада 2 минг квадрат метр уй-жой бинолари, — замонавий усулда қурилган мактаб, боғча, кинотеатр, касалхонанинг янги лаборатория корпуслари ишга туширилди. Қадимий обидалар таъмирланиб, колхоз бозори қайта қурилди. Янги стадион, истироҳат боғи барпо этилди. Шаҳримизнинг эртаси порлоқ. Яқинда район партия комитети билан биргаликда уни ривожлантиришнинг бош планини қайтадан ишлаб чиқдик.

Бу сайлов участкасида 57 ёш сайловчи овоз беради. Уларнинг барчаси бир умр эсда қоладиган бу кунга катта меҳнат совғалари билан келишди. Улар партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият намояндалари билан овоз беришар экан, жамиятимизнинг метиндек жипслиги, халқимиз партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўлатўкис қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис қилишар, коммунизм қураётганларнинг сафида ўзлари ҳам борликларидан фахрланишар эди.

### *Н а м а н г а н*

Чортоқ шаҳридаги 4/5 сайлов участкасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тожиддин Иномовни учратдик. У СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда жуда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда қарши олганлигини, бугун эса меҳнаткашлар вакиллари муносиб номзодлар учун якдиллик билан овоз бераётганликлари ҳақида сўзлади.

— Мен СССР Олий Советига депутатликка номзод Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Абдусаттор Шариповни жуда яхши танийман, — дейди Т. Иномов, — асил деҳқон, суяги меҳнатда қотган, ўтган галги сайловда ҳам депутат қилиб сайлаганимизда ишончимизни оқлади, бурчини шараф билан бажарди. Районимизнинг социал-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига муносиб улуш қўшди. Ўтган сайловдан бери чортоқликлар ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. 1980 йил охирларида Янгиқўрғон райони территориясида Чортоқ райони ташкил этилди. Ўтган йили эса район маркази — Чортоқ областга бўйсунувчи шаҳарлар қаторига киритилиб янги боғдорчилик-узумчиликка ихтисослаштирилган совхозлар, «Гулшан» шаҳарчаси, Боғистон посёлкаси қад кўтарди. Қарийб 20 минг квадрат метр уй-жойлар, мактаблар, боғчалар ва бошқа маданий-маиший иншоотлар барпо этилди. Чортоқ ва Заркент сув омборлари қурилиши ниҳоясига етмоқда. «Водник» насос станциясининг ишга туширилиши туфайли 1800 гектар янги ер ўзлаштирилди. 2000 гектар ерда сув таъминоти яхшиланди. Саноат корхоналари тармоғи кенгайди. Тошкент кабель заводининг филиали, автокорхона, икки ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш, социал таъминот, маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлди. Наманган областининг кенжа районини ҳар тарафлама ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш учун бир қатор муаммоларни ҳам ҳал этиш керак. Чортоқликлар СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ О. У. Салимов ва Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози бригадири А. Шарипов билан бўлган сайловолди учрашувида ана шулар ҳақида наказ беришган.

Якшанба куни эрталаб соат 10 га яқин Чортоқ райони ва шаҳридаги мавжуд 25 та сайлов участкасида деярли барча сайловчилар СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар учун якдиллик билан овоз бериб бўлганликлари қайд этилди.

## БУНЁДКОРЛИК МЕҲНАТИ БИЛАН

### *С а м а р қ а н д*

Самарқанд областидаги 8 сайлов округи, барча сайлов участкаларида эрталаб соат 10 га қолмай ҳамма сайловчилар ўз бурчларини активлик билан адо этиб бўлишди.

«Красний двигатель», «Кинап», «Хлопкомаш», чинни, химия заводлари, 8 Март тикувчилик бирлашмаси, чой қадоқлаш, трикотаж фабрикалари ишчи, хизматчилари, халқ номзодларини қизғин маъқуллаб, овоз бериш билан ленинчи партиямиз ғоялари, йўл-йўриқларига содиқ эканликларини тўла намойиш қилишди.

Кооператив техникумида жойлашган 53-сайлов участкасида бўлган тантанали митингда ҳам коммунистик идеалларни улуғловчи, партия ва халқ мустаҳкам бирлигини ифодаловчи сўзлар янгради. Шу техникум ўқитувчиси, Улуғ Ватан уруши инвалиди Байит Бекназаров нутқи сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Партия ва ҳукуматимиз бутун ер юзида барқарор тинчликни вужудга келтириш учун катта куч-ғайрат сарфламоқдалар, — деди Б. Бекназаров. — Мен бундай улуғвор мақсадни чин дилдан қадрлайман ва қизғин маъқуллайман. Биз ветеранларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатаётган партиямиз учун овоз берайлик!

Сайлов шодиёналари эрта тонгданоқ областдаги барча районларни қамраб олди. Нарпай, Пахтачи, Иштихон, Пастдарғом пахтакорлари граждfestival бурчларини бажариб, меҳнатни янада улуғлаш, пахтачиликни тағин ҳам ривожлантириш учун сўз бердилар.

### *С и р д а р ё*

Қўриқ Сирдарё областининг маркази Гулистон шаҳри бугун ҳар қачонгидан ҳам эрта уйғонди. Ҳали соат 6 бўлмасданоқ 4-микрорайондаги 17-Дзержинский сайлов участкаси одамлар билан гавжум бўлиб кетди.

— Мен деярли чорак асрдан бери шаҳар пахта тозалаш заводида ишлайман, — дейди Абдураим Абдуллаев. — КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳридаги Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувдаги ёрқин ва сермазмун нутқи билан катта ҳаяжон-ла танишиб чиқдим. Қалбимизда Ватанимиз келажаги учун янада ишонч, меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урмоқда. Гулистон шаҳримизнинг кейинги икки сайлов оралиғидаги камоли, айниқса, кишини қувонтиради.

Абдулла ака ўринли гапларни айтди. Гулистон шаҳри ҳар тарафлама камол топди. Буларнинг ҳаммаси жонажон партия ва ҳукуматимизнинг қўриқ воҳа меҳнаткашларига кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигига ёрқин намунадир. Буни ҳар бир меҳнат кишиси қалбдан чуқур ҳис этмоқда. Шунинг учун ҳам СССР Олий Советига сайлов куни улар халқимизнинг муносиб номзодлари учун якдиллик билан овоз бердилар.

### *С у р х о н д а р ё*

Дарёчилар посёлкаси байрам либосига бурканган. Тонг саҳардан карнай-сурнай ва оркестр садолари янгради. Дарёчилар маданият уйида СССР Олий Советига сайлов ўтказиладиган 14/14 сайлов участкаси жойлашган.

Эрталаб соат 6.00 да сайлов участкаси раиси В. Н. Гелагин сайловчиларни овоз беришга таклиф этади. Сайловчилар 113-Термиз сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзоди рўйхатга олинган донгдор шоликор, Гагарин районидаги «Правда» совхозининг 100 центнерчи бригадаси бошлиғи Қурбоной Қорахонова ва 597-Термиз сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзоди рўйхатга олинган Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондони, армия генерали Ю. П. Максимов учун овоз берадилар. Биринчи бўлиб меҳнат ветерани, 80 ёшга тўлганига қарамай «Панж» баржасида матрос бўлиб ишлаётган Бобожон ота Жуманиёзов овоз беради.

Термиз дарё порти Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё пароходчилигининг энг йирик корхонаси бўлиб, бу ердан халқ хўжалиги юклари қўшни ва дўст Афғонистон Демократик Республикасига, қардош Тожикистон республикасига муддатидан илгари узлуксиз етказиб берилмоқда.

Дарёчилар посёлкасидаги 2700 сайловчининг ҳаммаси кундуз соат 12.00 гача овоз бериб бўлди.

## *ШИОРИМИЗ — ТИНЧЛИК*

### *Т о ш к е н т*

Пойтахт области шаҳар ва қишлоқлари СССР Олий Советига сайлов кунини зўр шоду ҳуррамлик билан кутиб олди. Саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, дала ва ферма меҳнаткашлари сайлов участкалари томон йўл олишар экан, дўстона қизғин суҳбатни давом эттиришарди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Москва Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган ёрқин нутқи уларда катта таассурот қолдирди.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг аҳил коллективи СССР Олий Советига сайлов кунини меҳнатда катта муваффақиятлар билан нишонлади.

Биз Бекободдаги 92/92 сайлов участкасидамиз. Бекободлик металлурглар сафида Челябинск, Свердловск, Магнитогорск шаҳарларидан келган мутахассислар ҳам сайлов қутилари ёнига келадилар. Улар Ватанимиз равнақи учун, тинчлик ва мусаффо осмонимиз учун якдиллик билан овоз бердилар. Қардошларимиз комбинатнинг пўлат эритиш комплексида «300» пўлат станини барпо этиш ишида иштирок этишмоқда. Ягона мақсад мевалари кўриниб турибди. Янги стан муддатидан илгари ишга туширилади. Натижада мамлакатга қўшимча минг тонна пўлат ва прокат етказиб бериш имконияти туғилади.

Сайловчиларнинг ҳар бири ўз ҳаёти, ўз шаҳри — Бекободда рўй берган янгиликларни фахр билан сўзлайди. Корхонада янги пўлат эритиш комплекси ишга туширилди. Завод территориясида янги ошхона, магазин, чойхона фойдаланишга топширилди. Иссиққўлда қурилган дам олиш уйида эса меҳнат отпускасини мириқиб ўтказиш мумкин. Икки янги уй-жой микрорайонида ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Болалар парки, ёпиқ зали билан стадион қурилди. Сирдарё бўйида эса заводнинг дам олиш зонаси юзага келтирилди. Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайлидир, дейишди суҳбатда металлурглар якдиллик билан.

Тошкент области сайлов участкаларидаги тантаналар партия билан халқнинг бузилмас бирлигининг ёрқин намойишига айланди.

### *Ф а р ғ о н а*

Сўнгги йилларда Фарғона районидаги Чекшўро қишлоғи номи тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бунинг сабаблари бор, албатта. Шу қишлоқ Совети территориясидаги Ленин номли колхоз райондагина эмас, балки областда ҳам машъал хўжаликлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш планини 134 процент адо этди. Ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан териб олинди. Чорвачилик ҳам рентабелли соҳага айланди. Республика социалистик мусобақасида ғолиб чиққан хўжалик ўтган йил якунларига кўра республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди. Колхоз қишлоғи кишилари орасида республикага донг таратган пахта усталари, механизаторлар ва чорвадорлар оз эмас.

СССР Олий Советига сайлов ўтказилган қутлуғ кун эрта тонгданоқ Чекшўро қишлоғи маркази ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашиб, байрам қиёфасини касб этди. 144/25-сайлов участкасига овоз бериш учун гуррос-гуррос келаётган кишиларнинг чеҳраларида ғурур. Улар халқимизнинг энг муносиб фарзандлари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров ҳамда «Ферғананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси оператори Ю. Назировлар номзодлари учун бажонидил овоз берганликларини мамнуният билан таъкидлайдилар.

Колхоз партия ташкилотининг секретари, участка сайлов комиссияси раиси Ч. Абдуллаев байрамлардагидек ясанган, чеҳраларида шодлик барқ уриб турган сайловчилар ҳақида мамнуният билан дейди:

— Ажойиб меҳнаткаш одамлар. Ҳосилдорлик учун, колхоз экономикасини мустаҳкамлаш учун ҳаммаси бирдек курашади. Ҳа, буёғини ҳам айтиб қўяй: бу йил хўжалигимиз Ватанга роппа-роса 5 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олган. Шундай олтин қўлли кишиларимиз бор экан, бу марра, албатта, эгалланади.

Соат 11 дан бир неча минут ўтгач, участка сайлов комиссияси аъзоларидан бири 2400 дан зиёдроқ сайловчининг ҳаммаси овоз бериб бўлганликларини маълум қилади.

### *Х о р а з м*

Хоразмликлар СССР Олий Советига сайлов кунини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. 1983 йил якунига кўра область Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби сифатида кўчма Қизил байроққа сазовор бўлганлиги меҳнат аҳли ғайратига ғайрат қўшди. Туямўйиндан Юмуртов этакларигача ҳамма шаҳар-қишлоқларда сайлов умумхалқ шодиёнасига айланди.

Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоздамиз. Яқинда юз ёшга кирганлиги нишонланган Хўжаниёз ота Анниёзовдан тортиб куни кеча 18 ёшга тўлган Нигора Саидовагача кексаю ёш — барча сайловчилар эрта тонгда сайлов участкасида ҳозир бўлишди. Орзиқиб кутилган дам келди. Участка сайлов комиссиясининг раиси Мирзо Жабборов сайловчиларни овоз беришга таклиф этди.

Ветеран ўқитувчи, қаҳрамон она Рўзигул Юсупова бюллетенларни қутига ташлар экан, ота-оналар фикр-зикрини қуйидаги сўзларда ифодалади:

— Болаларимизнинг бошини силаб, уларнинг камолоти тўғрисида жонкуярлик қилаётган, жаҳонда тинчликни сақлаш учун собитқадамлик билан курашаётган партия ва ҳукуматимиздан чексиз миннатдормиз. Куч-қудратимиз — партия билан халқнинг бирлигидадир. Биз халқ номзодлари учун якдиллик билан овоз бериб давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини сидқидилдан маъқуллаётганимизни яна бир марта намойиш қиламиз.

Коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки номзодлари учун овоз бериш вақтида Хоразм области меҳнаткашларининг юксак сиёсий активлиги, партия режаларини оғишмай амалга оширишга, ўн биринчи беш йиллик ва унинг тўртинчи йили марраларини эгаллашга қатъий қарор қилганликлари ҳамма жойда яққол намоён бўлди.

**СССР Олий Советига сайлов ҳақидаги коллектив репортажни «Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари Р. ЕШИМБЕТОВ, А. ҚУРОНБОЕВ, Ҳ. ҚОДИРОВ, Т. МАҚСУДОВ, М. КАРОМОВ, А. ҚОРЖОВОВ, А. НИЁЗОВ, А. ДИЛМУРОДОВ, А. УМАРОВ, А. ХАЛИЛОВ, Э. ХЎЖАЕВ, О. ҲАКИМОВ, Ф. ЗОҲИДОВ ва Ҳ. СУЛТОНОВ олиб бордилар.**





## Техника экишга шай

Ўлкамизга баҳор ўз сепини ёйиб келди. Далалар тароватн ўзгача ҳусн олаётир. Деҳқон эса она ерига, ўз даласига ошиқяпти. Мўл ҳосилга пухта замин яратиш учун фидокорлик ҳисси билан тўлиб тошаётир. Чиндан ҳам баҳор келиши билан деҳқоннинг юмуши янада ортади. Машина-механизмларни мавсумга тахт қилиб қўйиш, уруғлик тайёрлаш, ариқ-зовурларни тозалаш сингари юмушлар қанча илгари бажарилса, фойдали бўлади, кўзланган марраға, албатта, эришилади.

Москва районидаги Киров номли колхоз аъзолари баҳорни яхши кайфият билан кутиб олдилар. Хўжалик аъзоларининг бу йилги аҳдлари қатъий: 1016 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» олинади. Бу довонни забт этиш учун барча техника воситалари мавсумга тахт қилиб қўйилди. Чопиқ ва ҳайдов тракторлари, сеялка, культиваторларнинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилди. Колхоз ремонт устахонаси ходимлари механизаторлар билан ҳамкорликда ишладилар. Сифат комиссияси уларнинг ишига «аъло» баҳо қўйди.

Суратларда: 1. Мавсумга тахт техника воситалари. 2. Илғор слесарь С. Рўзиматов. У ўзига бириктирилган машина-механизмларни сифатли ремонтдан чиқариб, ҳамкасбларига намуна бўлди.

Ж. Тўраев фотолари.

# МЕҲНАТОБОД САБОҚЛАРИ

Меҳнатобод ҳақида гап кетганда киши қалбини беихтиёр ташвишли туйғулар қамраб олади. Райондаги аҳвол бу йил қандай бўлар экан? Бу ташвиш тасодифий эмас, албатта. Меҳнатобод — қўриқ забткорларининг меҳри тушиб қолган мардона маскан, Сирдарё областининг кенжа районидир.

Район тўрт йил муқаддам, яъни 1979 йилнинг декабрь ойида ташкил топди. Бу партия ва ҳукуматимизнинг қўриқ Сирдарё области экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш, чўл забткорларининг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида кўрсатаётган ғамхўрликларининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Буни қалбдан ҳис этган азамат чўлқуварлар бир ёқадан бош чиқариб, астойдил ишга киришдилар. Натижада дастлабки йили дуруст натижалар қўлга киритилди. Меҳнатободликлар ўша йили 18 минг тоннадан ортиқ пахта етиштириб, йиллик план ва социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. Шундан кейинги йилда ҳам давлатга 24,5 минг тонна пахта сотиб, йиллик планларини ошириб бажардилар.

Бироқ кенжа районнинг пахтачиликни юксалтиришдаги зафарли юришлари сусая бошлади. Буни қуйидаги рақамлар мисолида кўриш мумкин. 1982 йилда районда давлатга пахта сотиш йиллик плани 61,8 процентда қолиб кетди. Бошқачасига айтганда, ҳосилдорлик атиги 8,1 центнерни ташкил этди. Ўтган йили кўрсаткичлар бундан ҳам ташвишли бўлди. Давлатга пахта сотиш йиллик плани 54,9 процентга етказилган бўлса, ҳосилдорлик 7,5 центнерданга тўғри келди, холос.

Меҳнатободнинг бугунги оғир аҳволи, муваффақиятсизликларининг бош айбдорлари «Главсредазирсовхозстрой»нинг жойлардаги ташкилот ва бўлинмаларидир.

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Голодностепстрой» коллективи Мирзачўл қўриғини ўзлаштириш, бағрини обод этишда ҳақиқатан ҳам ғоят катта вазифаларни амалга оширди. Лекин афсуски, Мирзачўл қўриғининг сўнгги ва энг оғир парчасини ўзлаштиришга келганда яхши анъаналар бузилди, бошқарма, трест ва бўлинмаларнинг раҳбарлари, бош мутахассислари юзакичилик, расмиятчилик, кўзбўямачилик йўлига ўтиб олдилар.

Район хўжаликларидаги бугунги реал шароитга назар ташлайлик. Охунбобоев номли совхоз тўнғич хўжаликлардан бири. Хўжалик ташкил қилинган дастлабки йили бу ерда гектар бошига 7 центнердан ҳосил олинган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 11 центнерданга тўғри келди. Бу эса совхоз ерларида саккиз йил мобайнида ҳосилдорлик атиги 4 центнерга ўсганлигидан далолат беради.

— Хўжалигимиз ерлари бошиданоқ пала-партиш ўзлаштирилган, — дейди совхоз директори Норбек Қаюмов. — Натижада деҳқонларимиз сурункасига қийналмоқдалар. Жуда катта меҳнат сарфлаган ҳолда кутилган ҳосилни ололмаётирмиз. Мавжуд ёпиқ горизонтал дренажнинг 15 километр масофадаги қисми умуман ишдан чиққан, 16 километр ёпиқ коллекторнинг сув ўтказиш қобилияти талабга жавоб бермайди.

«Пахтакор» совхози Меҳнатободнинг энг кенжа хўжалигидир. Бу совхозни райондаги барча қийинчилик ва мушкулликларнинг ойнаси деса бўлади. Совхоз уч йилча муқаддам ташкил топган эди. 1982 йили 1443 гектар ерда деҳқончилик қилиниб, давлатга атиги 560 тонна пахта сотилди. Ўтган йилги манзара бундан ҳам ачинарли. Экин майдонлари яна 1000 гектарга кенгайтирилса-да, ҳосилдорлик авалги йилдагидек 4,5 центнердан нарига ўтмади.

— Ўтган йили ниҳоятда оғир шароитларда меҳнат қилишга тўғри келди, — дейди совхоз директори Баҳриддин Нуриддинов. — Ҳар қанча уринмайлик, умумий экин майдонимизнинг 1222 гектарида кўчат ундириб олишнинг иложи бўлмади.

Хўш, нега? Қандай еркі, уни ҳайдасанг, суғорсанггу, аммо, бағрига ташланган уруғ униб чиқмаса? Олимларнинг таъкидлашларича,

### «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ўн грамм тупроқ таркибида 4,5 грамм ва ундан юқори процент миқдорида туз моддалари тўпланса, бундай майдонлар кучли шўрланган карталар тоифасига киритилади ҳамда уларни ўзлаштиришда бошқа майдонларга нисбатан кўпроқ маблағ ажратиш тавсия қилинади. Акс ҳолда, барча уринишлар бефойда кетиши турган гап. Меҳнатобод, хусусан, «Пахтакор» совхози ерларидаги туз миқдори 6,5 процентни ташкил этади. Бошқача айтганда, совхоз ерларининг ҳар гектарида ўрта ҳисобда 600—650 тонна агрессив туз бор, демакдир. Фақат шугина эмас. Ерларнинг юза қатлами гипсга айланиб кетган, баъзи жойларга ҳатто плуг ботмайди. Ана шу жойларга қишда берилган яхоб сувлари апрель ойигача ер бағрига сингмай ётади.

Булар лойиҳачи мутахассисларга маълуммиди? Албатта, маълум эди. Лекин, «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Средазгипроводирсовхозхлопок» институтининг лойиҳачилари Меҳнатободнинг ўта шўрланган ерларини ўзлаштиришдек улуғвор вазифага расмиятчилик, юзакичилик билан ёндашдилар. Натижада харажатлар нотўғри белгиланди. Ўз навбатида «Голодностепстрой»га қарашли «Янгиерводстрой» тресқи, хусусан, унинг 24-механизациялашган кўчма колоннаси раҳбарлари ана шу эскириб қолган лойиҳаларни амалга оширишда ҳам қўпол хатоларга йўл қўйдилар. Ерларни планировка қилиш, капитал шўр ювиш системалари бузилди. Натижада карталар паст-баланд, қурувчилар ибораси билан айтганда, шифер формасида ўзлаштирилди. Булар ҳам камлик қилганидай ёпиқ дренажлар ётқизиш чоғида ҳатто баъзи уринларда қалбаки иш тутилди. Кўпгина карталарга ёпиқ дренаж қувурлари ётқизилмагани ҳолда ҳужжатларда ҳамма нарса сип-силлиқ қилиб кўрсатилди. Оқибатда районда биз юқорида тўхталиб ўтган ташвишли аҳвол юзага келди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас, деганларидек, эндиликда кўзбўямачилик кирдикорлари юзага чиқаётир. Тегишли ташкилотлар эса янада катта харажатлар эвазига ана шу хатоларни тузатишга мажбур бўлмоқдалар.

Меҳнатобод районни ерларини ўзлаштириш ва бағрини обод этишдаги жиддий хатолар, шошма-шошарлик ва пала-партишликлар фақат юқоридагилардангина иборатми? Йўқ, албатта.

— Пахта етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планлари ҳақида гап борганда ўзимизни ниҳоятда ноқулай ҳис этамиз, — дейди афсусланиш билан Ҳамза номли совхоз агрономи Фозил Қудратов. Мана, икки йилдирки, колоқлик доғини юва олмаётирмиз. Мўлжалдаги ҳосилни етиштирмоқ учун ер, сув, минерал ўғит, техника ресурслари билан бир қаторда ишчи кучлари ҳам етарли бўлмоғи лозим. Лекин биз худди ана шу охирги масалада ғоят қийналмоқдамиз. Бунинг сабаби — биринчи навбатда уй-жойларнинг етишмаслигидадир.

Ҳамза номли совхоз 1980 йилнинг декабрь ойида ташкил этила бошланган эди. Лекин хўжалик меҳнаткашлари учун уй-жойлар барпо этишга ўтган йилнинг сентябрь ойидагина киришилди. Ҳозир совхоз 350 нафар ишчига эга ва шундан 100 хонадон уй-жой билан таъминланган, холос. Ваҳолонки, коллектив олдида турган вазифаларни бемалол амалга ошириш учун совхоз ўрта ҳисобда 1800—2000 нафар ишчи кучига эга бўлиши лозим. Фақат Ҳамза номли совхозда эмас, райондаги бошқа хўжаликларда ҳам уй-жой қурилиши масаласида худди ана шундай манзара кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам Ҳамза номли, «Пахтакор», «Страна Советов», Дзержинский номли совхозларда ишлайдиган ҳар бир ишчига 40—45 гектардан ер тўғри келаётир. Биз шу ўринда яна баъзи рақамларни келтириб ўтмоқчимиз. Ўтган йили район бўйича 3861 гектар ерда умуман кўчат ундиришнинг иложи бўлмади. 5708 гектар ердан эса 1,5 центнердан пахта ҳосили олинди. Кўриниб турибдики, лойиҳачилар, ўзлаштирувчилар, қурувчиларнинг ношудликлари қўриқ район меҳнаткашларига қимматга тушаётир.

Бу йил район меҳнаткашлари 30 минг 500 тонна пахта ҳамда бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашлари керак. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи шарафига олинган мажбурият — 40 минг тонна. Кўриниб турибдики, қўриқ район меҳнаткашлари зиммасидаги вазифалар ҳар қачонгидан ҳам юқоридир.

— Юбилей йилида зиммага олинган мажбуриятларни адо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. — дейди халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси Абдуғани Илашев. — Лекин энг аввал «Главсредазирсовхозстрой», қолаверса, унинг районимизда иш олиб бораётган ташкилот ва бўлинмалари ўз фаолиятларида жиддий бурилиш ясамоқлари, бизга ҳар тарафлама катта ёрдам беришлари лозим. Акс ҳолда ҳукм суриб келаётган оғир аҳволни бартараф этиш қийин бўлади.

Ҳақли талаб. Экиш мавсуми бошлангунга қадар район бўйича 2,5 минг гектар ернинг 800 гектарида капитал планировка ўтказилиши лозим. Лекин ҳозиргача атиги 300 гектар ер қўлдан чиқарилди. 245 километр масофадаги ёпиқ дренаж қувурлари ювилиши керак эди. Эндигина атиги 58 километри тозаланди. Қишки мавсум давомида 592 кубометр ҳажмда очиқ зовурлар тозаланиши лозим эди. Ҳозирча бу соҳада умумий планнинг 9—10 проценти миқдорида иш бажарилганини қандай баҳолаш керак? Район аҳолиси истиқомат қилаётган территориянинг ярмидан кўпроғи ичимлик сув билан таъминланмаган, газлаштирилмаган. Ҳалигача Охунбобоев номли, Дзержинский номли, Ғанишер Юнусов номли, Ҳамза номли совхозларга ичимлик сув ташиб келтирилади.

Хулоса қилиб айтганда, шу йил давомида «Главсредазирсовхозстрой» ташкилотлари Меҳнатобод райони территориясида камида бир миллион сўмлик турли хилдаги ишларни бажаришлари лозим. Баъзи участкалардаги ишлар аста-секин жонлантирилаётган бўлсада, лекин улар ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштиришда улкан жасорат кўрсатган «Главсредазирсовх о з с трой»дек обрўли ва қудратли ташкилот бунёдкорлари, мутахассислари, қолаверса, раҳбарларининг вазиятни тўғри баҳолаб, Меҳнатобод районига жиддий ва салмоқли ёрдам кўрсата олишларига ишонамиз.

М. НАЗАРОВ,
А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

## ЯНГИЛИКЛАР 84

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

**✦ Ёзёвон районидаги Зикриё Ғаниев номли совхознинг Юсуфжон Исҳоқов бошлиқ бригадаси ёрдамчи хўжалиги коллектив эҳтиёжини тўла қондириб, ортиқчасини болалар боғчасига топширяпти. Ўтган йили ўз эҳтиёжларидан ташқари 6 тонна сўқим гўшти, 400 килограмм парранда гўшти, 2 минг дона тухум топширган миришкорлар бу йил янада кўпроқ маҳсулот тайёрлашни кўзлашмоқда.**

**А. МАДРАҲИМОВ.**

**✦ Бухоро районидаги Чорбакр кўчма механизациялашган колоннага қарашли теплицада етиштирилаётган лимонлар ҳуштаъмлиги билан барчага манзур бўляпти. Халқ селекционери Сайфулла Ҳамроев кўчма колонна ошхонаси, боғча ва яслиларига кунига 130—150 тадан лимон етказиб беряпти.**

**Ж. ЙЎЛДОШЕВ.**

**✦ Ленинск шаҳридаги ёғ-экстракция заводининг ёрдамчи теплица хўжалигидан олинаётган маҳсулотлар ишчи ва хизматчилар дастурхонига файз киритмоқда. Бундан ташқари ёрдамчи хўжаликда 60 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти. 70 та асалари уяси парваришланмоқда.**

**Ш. ҲОШИМОВ.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### «ТАЛВАСА»

**Газетанинг ўтган йил 27 декабрь сонида «Ажаб савдолар» рубрикаси билан юқоридаги сарлавҳали мақола босилган эди. Унда Янгиқўрғон районидаги колхозлараро кўчма механизациялашган колоннада қурилиш материаллари талон-торож бўлаётгани, оқибатда молиявий бузилишларга йўл қўйилаётгани танқид қилинган эди.**

Танқидий мақола юзасидан редакцияга жавоб йўллаган «Узколхозстрой» бирлашмасининг **«НАМАНГАНОБЛКОЛХОЗСТРОЙ»** тресқи унда келтирилган фактларнинг тўла тасдиқланганлигини билдиради.

Мақола колхозлараро қурилиш ташкилотлари область Советининг кенгайтирилган йиғилишида махсус кўриб чиқилди. Қурилиш материалларини талон-торож қилганлиги, бажарилган ишларни ошириб ёзганлиги ва молиявий ҳисоб-китобда чалкашликларга йўл қўйганлиги учун колонна бошлиғи Исмоил Мирзаахмедов ва Қутбиддин Жаҳонгировга қаттиқ ҳайфсан берилди. Шунингдек, ҳар иккаласидан уч ойлик маош пули начёт қилинди.

«Наманганоблколхозстрой» тресқи ўз бўлинмаларида бунга ўхшаш нуқсонларга йўл қўймаслик мақсадида конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишни назорат остига олди.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИБ, ТАННАРХНИ АРЗОНЛАШТИРАМИЗ

# ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Оҳангарон районидаги Собир Раҳимов номли совхоз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг ўтган учинчи йилини меҳнатда қувончли натижалар билан якунладилар. Эл дастурхонига 2100 тонна ўрнига 3093 тонна картошка, 1823 тонна ўрнига 1904 тонна сабзавот, 950 тонна ҳўл мева, 437 тонна узум етказиб берилди. Чорвадорлар ютуғи ҳам чакки бўлмади. Давлатга 220 тонна ўрнига 228 тонна гўшт, 900 тонна ўрнига 924,7 тонна сут, 70 минг дона ўрнига 111 минг дона тухум ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

— Қўлга киритаётган муваффақиятларимизнинг асосий сабаби шундаки, — дейди, совхоз директори Соғлом Болошов, — биз ишлаб чиқаришга илғор усулларни дадиллик билан жорий этяпмиз. Бригада пудрати хўжалигимиз учун ниҳоятда яхши самара берди. Совхозимизда 100 дан ортиқ оилавий звенолар ташкил этилган эди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш звено аъзоларининг даромадини яхшилашини деҳқон ва чорвадорларимиз яхши тушунадилар. Деярли барча оилавий звеноларда йиллик план ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди. Хўжалигимизнинг Маназар Пирназаров, Ўрозали Содиқов, Қўчбой Холиқовлар етакчилик қилаётган картошкачилик ва чорвачилик бригадалари аъзолари мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Совхоз экономикаси ҳар томонлама мустаҳкамланиб, маҳсулот таннархи арзонлашиб, хўжаликнинг рентабеллик даражаси ўсиб бормоқда. 1984 йилнинг икки ойи якунланди. Дастлабки самаралар чакки эмас. Гўшт, сут, тухум етиштириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

Яқинда совхоз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига жавобан меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 2 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Совхозда меҳнат унумдорлигини оширишдан 48 минг сўм ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришдан 16 минг сўм, жами 64 минг сўм иқтисодий самара олиш режалаштирилган. Бу вазифани амалга ошириш учун хўжалик деҳқонлари ва чорвадорлари фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни тўлароқ ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Айни кунларда совхоз далаларида 1984 йил ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Барча экин майдонлари ўз вақтида сифатли шудгор қилинди. Далаларга маҳаллий ўғит чиқариш уюшқоқлик билан давом этяпти. Ҳозирга қадар ҳар гектар майдонга 22—25 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Сув йўлларини тозалаш ниҳоясига етиб қолди. Мавжуд техникани мавсумга созлаш ишлари жадал суръатда олиб борилаётир.

О. ХУШНАЗАРОВ,
Н. АБДУРАСУЛОВ,
Тошкент области.

## Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

**Кенг жаҳон жамоатчилиги КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг Кремлдаги Съездлар саройида сайловчиларнинг сайловолди йиғилишида сўзлаган нутқини ғоят зўр қизиқиш билан кутиб олди. Совет раҳбари ҳали ўз нутқини тугатмасданоқ жаҳондаги энг катта агентликлар шу нутқнинг асосий қоидаларини «Жуда муҳим», «Шошилинч», «Молния» белгилари билан баён қила бошлади. Чет элларнинг етакчи радио ва телевизион компаниялари ўзларининг одатдаги эшиттиришлари ва кўрсатувларини тўхтатиб, шошилинч равишда чиқарилган сўнгги ахборотларда Москвадан репортажлар бердилар.**

Газеталарнинг дастлабки шарҳларида К. У. Черненконинг нутқи КПСС билан СССР ҳукумати бутун ишининг пировард мақсади бундан буён ҳам совет халқи турмушини яхшилашдан, тинчликни сақлаб қолишдан, социалистик Ватан хавфсизлигини таъминлашдан иборат эканлигидан яққол далолат бериши қайд этилади. Кўпгина обзорчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари халқаро кескинликни камайтиришнинг конкрет программасини баён этиб берганлигига, жумладан, ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушадиган муайян нормаларга бўйсундирилиши тўғрисидаги таклифга юксак баҳо бермоқдалар.

К. У. Черненконинг нутқи Совет Иттифоқидаги сайловолди кампаниясининг муносиб якуни бўлиб қолди. Бу кампания партия билан халқ мустаҳкам бирлигининг жонли гувоҳи бўлди, деб хабар қилди Москвадан АДН (ГДР) агентлигининг мухбири. Омма билан ҳамиша ошкора ҳалол гаплашиш партиянинг анъаналаридир. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг сайловолди нутқига айни шундай ленинча ёндашув асос қилиб олинган. Совет раҳбари социалистик экономиканинг жуда зўр муваффақиятлари тўғрисида фахр билан гапириб, қийинчиликларни ҳам айтиб ўтиб, Советлар мамлакати пешқадамлик қилаётган тарихан узоқ муддатли босқич бўлмиш ривожланган социализм қурилишининг асосий босқичларини белгилаб берди.

**Чехословакия** телевидениесининг шарҳида қуйидагилар қайд этилади: «Гарчи халқаро аҳвол чигалликлари СССРни мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ эҳтиёжларга кўпгина ресурсларни ажратишга мажбур этган бўлсада, аммо совет раҳбарлари социал программаларни йиғиштириб қўйиш тўғрисидаги фикрни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Советлар мамлакатининг қонун чиқарувчи олий органига кейинги сайловдан сўнг ўтган давр ичида миллий даромаднинг бешдан тўрт қисми халқ фаровонлигини оширишга сарфланди. Совет кишиларининг реал даромадлари кўпайди, маорифга, соғлиқни сақлашга, пенсиялар тўлашга маблағ олинаётган фондлар бойроқ бўлиб қолди. Реал социализмнинг реал ютуқлари мана шундай. Қимматчилик, ишсизлик ортиб бораётган, социал эҳтиёжларга харажатлар камайтирилаётган, пул қадрсизланаётган капиталистик жамият бу ютуқларга ҳеч нарсани қарши қўя олмайди».

Венгриянинг **«Непсабадшаг»** газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «Келгуси режалар тўғрисида гапирганда оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслик керак: яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлаш лозим», — Бу К. У. Черненко нутқи ички сиёсатга оид қисмининг асосий мазмунидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари маҳаллийчилик, хўжасизлик, ландовурлик хусусида бир қанча кескин танқидий мулоҳазаларни айтиб бундай деди: «Социал программаларни амалга оширишда олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиб бориш учун экономикани ва аввало унинг самарадорлигини барқарор, муттасил ўстириш зарур. Хўжалик юритиш формалари ҳозирги замон талабларига мос бўлиши керак. Ҳозир СССРда ўтказилаётган бир қанча иқтисодий экспериментлар бунга ёрдам бериши шубҳасиз».

Совет Иттифоқида ўтказилаётган иқтисодий экспериментларнинг моҳияти, деб таъкидлайди Югославиянинг **ТАНЮГ** агентлиги, корхоналарга кўпроқ ҳуқуқ беришдан, уларнинг масъулиятини оширишдан, уларни марказнинг ортиқча ҳомийлигидан халос қилишдан иборатдир. Тажрибада синаб кўриш изланишлар босқичидан дадил олға ҳаракат қилишга ўтиш имконини беради.

Москвада яна шу нарса айтилдики, деб хабар қилади Япониянинг **Киодо Цусин** агентлиги, ҳарбий авантюраларнинг ҳар қандай ишқибозлари СССРни ғафлатда қолдиришга муваффақ бўла олмайди, эҳтимол тутилган ҳар қандай агрессор қақшатқич жавоб зарбасидан қутулиб қолишга умид боғлай олмайди. Совет раҳбари К. У. Черненко СССР Олий Советига 4 март куни ўтказиладиган сайлов арафасида сайлов кампаниясини якунлай туриб шуни айтдики, гарчи бизнинг мамлакатимизни мудофаани мустаҳкамлашга ғоят жиддий эътибор беришга мажбур этаётган бўлсаларда, совет кишилари қурол-яроғлар кўпайтирилишини эмас, балки ҳар иккала томондан уларнинг қисқартирилишини истамоқдалар.

(ТАСС).

## САЙЛОВОЛДИ РАҚОБАТИ

ВАШИНГТОН. Демократик партиядан президент лавозимига номзодликка даъвогарлар сони камаймоқда. Сенатор Э. Холлинге бугун ўз номзоди кўрсатилиши учун курашни тўхтатишини билдирди. У Нью-Гэмпшир штатида 28 февралда ўтказилган дастлабки сайловдан мағлубиятга учради.

Бундан илгари сенатор А. Крэнстон ҳам сайланиш учун курашни тўхтатишини эълон қилди. Нью-Гэмпширдаги муваффақиятсизликдан кейин унинг сайлов кампанияси фондига тушум амалда тамомила тўхтатиб қўйилди. Флорида штатининг собиқ губернатори Р. Эскью ҳам ўз номзоди кўрсатилиши учун курашдан воз кечди. Демократик партиядан ҳозирча 5 даъвогар ўз номзоди кўрсатилиши учун курашмоқда.

(ТАСС).

## ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

ЖЕНЕВА. Қуролсизланишга бағишланган Женева конференциясида Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Дюбей Ғарб мамлакатларини қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва халқаро кескинликни камайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказилишини барбод қилишда айблади. Ғарб, деди у, қуролланиш пойгаси жадаллаштирилаётганлигининг оқибатларини ҳисобга олмаяпти.

Ҳиндистон делегациясининг бошлиғи Ғарбий Европа мамлакатларида «Першинг-2» ва қанотли ракеталар жойлаштирила бошлангандан кейин империалистик пропаганданинг даъволарига қарамай тинчлик тарафдорлари ҳаракати кенгаймоқда, деди. Бу ҳаракатга барча қитъалардаги ривожланган мамлакатларнинг, шунингдек ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари қўшилмоқда.

(ТАСС).

## ҚОНУНЛАШТИРИЛГАН КАМСИТИШ

ВАШИНГТОН. Тенг ҳуқуқлилик Америка аёллари учун тобора эришилмайдиган орзу бўлиб қолмоқда. АҚШ олий суди қабул қилган қарор бунга далилдир. Қарорга мувофиқ олий таълим доирасида жинсга қараб камситишни тақиқлаш тўғрисида 1972 йилги қонун эндиликда фақат федерал ҳукумат дотацияларини олиб турадиган ўқув программаларигагина тааллуқли бўлади.

Маориф соҳасига ажратиладиган маблағларни ғоят қисқартираётган Рейган маъмуриятида бундай программалар анча камайиб кетди. Шунинг учун ҳам олий суднинг бу қарори мамлакат коллежлари ва университетларида америкалик қизларнинг илгаридан камситиб келиниши эндиликда қонунлашган ва анча кенгайган тус олишини билдиради. Хотин-қизлар миллий ташкилотининг президенти Жудит Голдсмит суд қарорини «билим олиш учун баравар имкониятлар таъминлаш соҳасида кишини ҳайратга солувчи орқага қўйилган қадам» деб атади. «Олий суд, — деди вакиллар палатасининг аъзоси Патриция Шроудер (Колорадо штатидан демократ), — аслида бундан буён америкалик хотин-қизлар учун билим олиш баравар имкониятлари йўқлигини эълон қилди».

(ТАСС).

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**▲ БЕРЛИН. Берлин телеминораси реконструкциядан кейин томошабинлар учун яна очиб қўйилди. Жуда қисқа муддат ичида пассажир ва юк ташийдиган лифтлар профилактикадан ўтказилди, 200 метрдан зиёд баландликда жойлашган томоша майдони ва шинам кафе янгиланди.**

**1969 йилда очилган Берлин телеминораси ГДР пойтахтининг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолди. Ҳар йили бу ерга 1,2 миллионга яқин киши келиб кетади.**

**▲ БОНН. Ҳозирги вақтда ГФРда бошпанасиз 100 мингга яқин киши расмий рўйхатга олинган. ГСДПдан бундестаг депутати М. Моллер ана шу рақамларни қайд этиб, Боннда аслида бошпанасиз кишилар расмий рақамдан уч баравар кўплигини таъкидлайди. Ана шу кишилар орасида кўпинча йигит ва қизларни кўриш мумкинлиги, айниқса, ташвиш туғдиради, деб қўшимча қилади М. Моллер.**

**▲ БОГОТА. Колумбиянинг Антиокиа департаментидаги 52 та муниципал аҳолиси коммунал хизматлар учун таърифлар яқинда оширилганлигига қарши норозилик юзасидан забастовка эълон қилди. Аҳоли пунктларида ўтказилаётган оммавий намойишларнинг қатнашчилари янги таърифлар қэйта кўриб чиқилишини талаб этмоқдалар. Муассасалар ишламаяпти, магазинлар ёпиб қўйилган. Кўп районларда намойишчиларнинг полиция отрядлари билан тўқнашувлари юз берган, бир неча киши ўлдирилган. Юздан кўп киши қамоққа олинган.**

(ТАСС).

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### САНЪАТНИНГ ҚАДИМГИ ТУРИ

**Тайландда варрак ясаш — санъатнинг қадимги турларидан бири ҳисобланади. Варраклар қилиш авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ҳар йили Бангкокнинг бош майдони — Санамлуангда варрак усталарининг кўрик-фестиваллари ва мусобақалари ўтказилади. Бундай мусобақалар чоғида хилма-хил шаклдаги ранго-ранг каттадан-кичик варракларни кўриш мумкин. Бутун-бутун командалар варракларни учиришда иштирок этадилар. Мусобақа қатнашчилари ўз варракларини ерга оҳиста қўндиришда алоҳида маҳорат кўрсатишлари лозим. Ғолибларга мукофотлар топширилади.**

### ХАТАРЛИ АКТИВЛИК

**АҚШнинг Вашингтон штати территориясида жойлашган Муқаддас Елена вулқони яна хатарли равишда активлашиб кетди, деб хабар қилади Рейтер агентлиги. Ер ости силкинишлари қайд этилди, лава эса кратернинг юқори қисмига кўтарилди. 1980 йилда вулқоннинг сўнгги отилиши чоғида 57 киши ҳалок бўлган эди.**

### ШУҲРАТ КЕТИДАН ҚУВИБ

**Испаниялик ошпаз Альфонсо Гонсалес денгиз ва океанларда фақат ҳар жиҳатдан қулай кемалардагина эмас, балки... товада ҳам сузиш мумкинлигини исботлади. Диаметри 3,8 метр, борти баландлиги 1,3 метр бўлган шундай кемани қуриб, уни мотор ва иккита елкан билан жиҳозлади. «Кема» Эбро дарёсидан йўлга чиқиб, Ўрта денгизга етди, кейин эса Франция соҳилларида тўхтади. 4 минг километр йўл босган «Килимкилон» кемасининг капитани Альфонсо Гонсалес яқин орада Атлантика океанини... саккиз метрлик бутилкада кесиб ўтмоқчи эканлигини эълон қилди.**

### ЭЛЕКТРОНИКА ЁРДАМИДА

**Электроника йўл автоинспекцияси ходимлари учун ёрдамга келмоқда. Эндиликда улар Венгрияда ишлаб чиқилган аппаратура ёрдамида бир минут ичида қоидабузар автомобилистнинг мастлик даражасини аниқлай оладилар. Бунинг учун қоидабузар тестерга қараб биринчи сўз айтишининг ўзи кифоя. Аппарат шу заҳотиёқ унинг қонидаги алькогол борлигини кўрсатади. Агар кўрсаткич 0,2 промиллга етса ёки ундан ошиб кетса, аппаратдан милиция ҳуштагининг овози янграйди. «Фюр дих» (ГДР) ҳафталигининг хабар қилишича, шу йилнинг ўзидаёқ бундай аппаратларнинг дастлабки 500 таси фойдаланишга етказиб берилади.**

